



Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобурдир. У 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда таваллуд топиб, 1530 йил 26 декабрда Аграда вафот этган. Бобур Мирзо улуг шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбобидир.

ар асардир. Бундай асар, одатда, муаллифнинг давр-замонга, ўтмишга оид хотираларини, кўрган ва эшитганларини маълум тартибда солиб ифода этиши натижасида вуҷудга келади. Бу жанрга хос асарларда, айниқса, бўлиб ўтган воқеаларни бирмунча кейин тасвирловчи мемуарларда муайян даражадаги бадийий чизгиларни, тарихий воқеаларни бевосита акс эттириш билан бирга, умумлаштириб тасвирлаш хусусиятини ҳам кўриш мумкин. «Бобурнома» ҳам шундай мураккаб таркибли мемуарлар қаторига кириди. Муаллиф узоқ муддат орасида юз берган ижтимоий-сиёсий ва тарихий воқеаларга маълум бир нуктаи на-

йўсида ҳикоя қилинади. Бобурнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Чун бу тарихда андоқ илтизом қилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеани тахрир этилгай». Маълумотларнинг кўплиги, аниқ ва тўлаллиги, тарихий воқеаларнинг ростўйлик билан ифода этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва раванглиги «Бобурнома»нинг тарихий манба сифатидаги афзалликлари ва жозибасини янада оширади. Бу жиҳатдан у кўпгина Шарҳ тарихчиларининг китобларидан устун туради.

Узининг ана шу фазилатлари билан «Бобурнома» узоқ замон-

донолик ва хато-янглишлари, кураш ва фароғатлари, шодлик ва изтироблари, мардлик ва марҳаматлари, қувноқлик ва умидсизлик кайфиятлари билан намоян бўлади.

Бобур сиймосини белгиладиган хусусиятлар орасида унинг теурийлар салтанатини сақлаб қолиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақкам давлат тузишга бўлган саъй-ҳаракатлари алоҳида кўзга ташланади. Бу курашларда у мард ва жасоратли, узокни кўзлайдиган арбоб ва моҳир саркарда сифатида кўринади. Бобур ёшлигиндан кўлга қилиб олишга мажбур бўлиб, ҳарбий санъатни ҳаёт-

Унинг шеърли девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубайин», «Рисолайи волидийа» (таржима) каби илмий ва бадий баркамол асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек нази ва насли ривожига муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадий фикр тараққиётига қўшилган катта ҳисса. XV аср охири — XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, җўрофияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами, халқи, одамларнинг касб-кори, тили, ҳаёт тарзи ва бошқа хусусиятлари ҳақида бебаҳо маълумотларни ўзидан мужассам этган манбадир.

Шунинг учун ҳам мажмур асарлар, хусусан, «Бобурнома» кўп асарлардан бери Шарҳ ва Фарб тарихчилари ҳамда бошқа фан соҳалари вакилларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда, уларнинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихини ўрганишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобур, шариғат тақозоси билан ўзининг ҳарбий юришларини Афғонистон ва Ҳиндистон худудига қўйишдан бўлса ҳам, умрининг охиригача қадар Ўрта Осиёга қайтиш фикридан воз кечмади. Унинг 1510 йилда Шайбонийхон Марвда ўлдирилган, Самарқандга юриш қилиши, кейинчалик Ҳиндистондан туриб ўғиллари (Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол ва Аскар)га тегишли кўрсатмалар бериб тургани бу фикрнинг тасдиқлайди.

Жумладан, у Ҳумоюнга ёзган хатларидан бирида шундай дейди: «Яна Комронга, Қобулдаги Бекларга фармон бўлдимки, бориб, санга қўшулуб, Хисор ё Самарқанд, ё ҳар соғиримки, салҳои давлат бўлса юргайсиз Тенгрининг инояти била ёғилларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигурсон қилгайсиз, иншооллоху таоло. Агар Тенгри инояти била Балх ва Хисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Хисорда сенинг ишинг бўлсун. Балхта Комроннинг киҳисси бўлсун. Агар Тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандга сен ўлтурил, Хисор вилоятини, иншооллох, холис қилғандур».

Маълумки, «Бобурнома» мему-

зардан қарайди ва баҳо беради.

У тасодийий ҳодисалар, иқричқиларни мумкин қадар қаламга олмасликка, асосий воқеаларни саралашга катта аҳамият беради, асарнинг бадийий ифода қилиниши оширишга ҳаракат қилади. Лекин асарда воқеалар хронологик тартибда баён қилинган ва унда XV аср охири — XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тасвирлангани учун у бошдан-оёқ тарихий хусусият касб этади.

Бу асарда теурий ҳукмдорларнинг ўзаро уруш-талашлари оқибатида бирин-кетин мағлубиятга учраши, жумладан, Абусаъид мўрзо вафотидан кейин унинг ўғиллари (Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва бошқалар) ўртасида чиққан жанжаллар, Бобур ва унинг амакиваччалари, Беклар ўртасидаги курашлар, Хусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги низоолар, теурийлар билан Шайбонийхон ўртасида Мо-вароуннаҳр учун олиб борилган қўли курашлар, айрим ноқобил ҳукмдорлар саройидаги айш-шарат, фитналар, шунингдек, Бобур томонидан Афғонистон ва Ҳиндистоннинг эгалланиши, ҳинд ва афғон қабилаларининг қаршилиги ва уларнинг бостирилиши — барчаси ҳаққоний тарзда, ўша замонга хос жимжамдор ва баландпарвоз тасвир услубидан фарқли ўларок, гоёт гўзал, жонли ва мароқли

лардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланди.

Улар ҳаммаси Бобурнинг инсоний фазилатларини, ҷунончи, унинг йирик лашкарбоши, ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмайдиган саркарда, илм-фан ва санъатни севадиган, ижод аҳлини кадрловчи олижаноб шахс эканини яқдллик билан таъкидлайди.

Инглиз тарихчиси Эдуард Холден Бобурни лашкарбоши, арбоб ва адабийчи сифатида Цезарь билан бир қаторга қўйса, жозибдор характери жиҳатидан Рим ҳукмдоридан ҳам юқори турувчи деб билади ва «Унинг манғайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган», дейди.

Биз Бобурни асарда тасвир-

ланг машаққатли мактабидан ўрганади ва уни мукаммал эгал-лайди. У жангларда ўзининг бо-тирлиги ва матонати билан атрофдагиларга шахсан намуна кўрсатади, жангчиларни ғалаба-га руҳлантиради.

Маълумки, Бобур комил мусулмон, ғозийлик увнонини олган одил подшоҳ эди. Шу боис у бир қатор хурофий ақида, ёлғон расм-рўсулларга асло ишонмайди, уларни аёвсиз фош этади.

«Бобурнома»да жуда кўп тарихий шахслар (теурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар, илм-фан ва санъат намояндалари ва бошқалар)нинг шакл-шамойиллари ва руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда муаллиф уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва иччам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилади.

Бобур XV асрда ўз ижоди билан форс-тожик адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Хуросон ва унинг пойтахти Хиротдаги адабий-маданий ҳаётнинг ривожига катта маъна-ега эга бўлган Абдурахмон Жо-

мийга юксак баҳо беради.

Бобур, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг фахри, ўз ижоди ва илмий-адабий фаолияти билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк Алишер Навоий ҳақида завқ-шавқ билан сўзлайди: «Яна Алишербек Навоий эди, бегим эмас, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур... Алишербекнинг мижози нозуклик била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг гуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибилил экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозик мижоз экандур.

Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтувурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантик ут-тайр» вазида «Лисон ут-тайр» отлик. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Фаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавоид ул-кибар» отлик. Яхши рубоийти ҳам бор».

Мустақар қилиб айтганда, Бобур ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўлмас сўз санъаткорларидан биридир. У назмда ҳам, насрда ҳам ижод этади, аруз назарияси, қофия, ҳарб юриши, ислон қонушнос-лиги, иқтисодий масалаларига доир китоблар билан бирга бадийий пишиқ, мазмунан теран асарлар яратди.

Халқимиз ўзоқ асрлардан буюн қадрлаб келадиган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди айна замонада Ўрта Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий халқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ижодий меросини бугунги кунда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида афғон ва ҳинд тадқиқотчилари, покистонлик ва бангладешлик олимлар ҳам кўн билан ўрганимоқда. Буюк ватандошимиз ҳақида ушбу мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадийий фильмлар яратилган, музейлар барпо этилган айниқса диққатга сазовор.

Мустақиллик кўна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзалигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Биз бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган ва юксак инсоний фазилатларни кўйлаган Захириддин Муҳаммад Бобур синғари улуг аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар оқил-мақдур қирралари билан кенг жамоатчилик, бутун халқимизни таништириш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

Саидбек ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабий музейи директори, филология фанлари доктори, профессор

Жамоат ташкилотларида САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида мазкур жамиятнинг Тошкент шаҳар Кенгашига аънанавий хайрия йиғиш ўн кунлиги бошланди.

18 февралга қадар ўтказиладиган ушбу тадбир давомида шахримиз аҳолиси, турли корхона, ташкилот ва муассасалар савоб ишлардан четда қолмайлик, дея хайрли мақсадлар йўлида ажратган маблағларини Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин бўлади.

— Аҳолининг энг заиф табақаларига инсонпарварлик ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўргатиш, ёшлар ҳаракатини ривожлантириш ва унга кўнгиллиларни жалб этиш, ёнгиндан жабрланганларга кўмаклашиш фаолиятининг асосий йўналишлари доирасига кириди. — «Меҳр-шафқат» хизмати жамият фаолиятида муҳим ўрин тутиб, бунда ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган яққа-ёлғиз жисмоний имконияти чекланган қариялар, кам таъминланган, кўп болали оилалар жамият тасаруфига олиниб, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Шохида Худойберганаева. — Фақат ўтган бир йилни оладиган бўлсак, жамият қошида ташкил этилган 6 та тиббий-ижтимоий ёрдам маркази ишни яхшилаш учун 250 миң сўмлик дори-дармон, бир марта ишлатиладиган шприцлар харид қилинди. Шунингдек, меҳр-шафқат ҳамширалари томонидан ёлғиз қарияларга 23,7 миң марта тиб-

бий, 23,1 миң марта ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Улар 2,9 миң марта дори-дармон билан таъминланди, 62 та қария шифохоналарда соғломлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хайрия ўн кунлиги давомида йилгилан маблағлар ва умуман ташкилотимизга кўрсатилган ёрдамлар яққа-ёлғиз кексалар, кам таъминланганлар, кўп болали оилалар, ёнгиндан жабрланганларга кўмаклашиш ишларига сарфланади. Жумладан, ҳамшахарларимизнинг муруватлари ҳисобига Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 400 дан ортиқ яққа-ёлғиз кексага, 85 та кам таъминланган оилага, 26 та ёнгиндан жабрланган оилага тиббий-ижтимоий кўмак берилди. Юздан ортиқ ногиронга йил давомида ғам-хўрлик қилинди. Бу ишлар учун жамият ҳисобидан 14,8 миллион сўм ажратилди, ҳомийлар ёрдамида 4,3 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бугун ҳам бундай кишиларнинг тақдирини маълум маънода барчамизга, яъни хайрия ўн кунлигида қай тариқа фаол иштирок этишимизга боғлиқ.

— Албатта, ўн кунлик давомида жойларда ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирларимиз ҳам бор. — Жумладан, 1, 2-муруват уйлари тарбияланувчилари ҳамда аҳоли ўртасида хайрия марафонларини ташкил этилган, — сўзида давом этади Шохида Худойберганаева. — Ўзбекистон Қизил Ярим

Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши номига ёнгиндан зарар қўрган 6 та оила ёрдам сўраб муурожаат қилган. Уларнинг илтимосларини қондириш, энг зарурий бўлган ашёлардан ёрдам кўрсатиш ҳамда Шайхонтохур туманидаги 98-мактаб-интернат тарбияланувчилари учун муруват ёрдами кўрсатиш режаларимиз қаторидан ўрин олган.

Фурсатдан фойдаланиб, 2009 йилги хайрия ақцияси вақтида фаол иштирок этган «Трастбанк», «Чилонзор буюм бозори» АЖ, «Тошбоғортайёровсавдо» уюшмаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар Муниципал биржа маркази, Ички ишлар бош бошқармаси, Бинолардан фойдаланиш департаменти, «Ўзбектелеком» АК шаҳар телефон тармоқлари филиали, «Ўзавтотехизмат» АЖ, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси жамоаларига Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ўз миннатдорчилигини билдиради.

Соҳаватпеша ҳамшахарларимиз, корхона, ташкилот ва муассасаларга эслатиб ўтамиз. Хайрия кўмагини Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш мумкин: 20212000900126451001, МФО: 00407, ИНН: 200896573. Маълумот учун телефон: 248-79-25, 248-24-94. **Дилшод ИСРОИЛОВ**

Тошкентда ушбу мавзудаги V халқаро кўргазма иш бошлади.

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими вазирлиги, Ёшлар иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ҳамда «SSP-Exprocontact» МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига ёрдам беради.

— Кўргазманинг қамрови йилдан-йилга кенгаймоқда, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бош мутахассиси Одилов Абдуқаҳор. — Хусусан, кўргазмада ўтган йили республикамиздаги ўттиздан ортиқ олий ўқув юрти иштирок этган бўлса, жорий йилда қирқ бештадан ошди. Бундан ташқари, қирққа яқин ўқув марказлари ҳам ўз фаолиятлари ҳақида маълумот бераётир. Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг кўргазмага бўлган қизиқиши юқори.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, таълим жараёнидаги энг сўнгги ютуқларни намойиш қилишга қаратилган. Шунингдек, замонавий ахборот технологияларини ва жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат бозори ва жамият эҳтиёжлари асосида таълим хизмати сифатини такомиллаштириш, бўлажак абитуриентларнинг олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари ҳамда чет элларда мавжуд таълим хизматининг тўлиқ қўламини билан таништирилаётгани эътиборлидир.

— «Ифатли келин» ўқув марказининг ташкил топганига саккиз йил бўлди, — дейди марказ раҳбари Солиха Юсупова. — Марказнинг саккизта филиали мавжуд бўлиб, 25 хил турдаги ўқув курсларидан иборат. Шуниси қувонарлики, ўқув марказимизда нафақат ўз бекалари, балки мактаб ўқувчилари ҳам бўш вақтларида таълим олишади. Бу ерда ўқиган аёлларимиз ўз тадбиркорлик ишларини ривожлантириб, янги-янги иш ўринлари яратаятир.

Уч кун давом этадиган ушбу кўргазма доирасида турли интерфаол ўйинлар, қурик-танлов, семинар-тренинглар ва олий ўқув юртиларнинг тақдимола-ри ўтказилади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

Сеул, 11 февраль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Корея Республикаси оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг давлат ташрифига катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, матбуотда бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, халқаро майдондаги ташаббуслари, Жанубий Корея билан муносабатларига бағишланган кўплаб материаллар эълон қилинмоқда.

«Корея Пост» ҳафталигининг ёзишича, «Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йилда Президент Ли Мён Бак томонидан Корея Республикасига таклиф қилинган биринчи давлат раҳбаридир». «2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг япни ички маҳсулоти 8,1 фоиз ўсди, жалб қилинган хорижий сармоя 33 фоиз, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоиз ошди».

Газетада «Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Кореяга келади», «Ўзбекистон-Корея: икки томонлама муносабатлар ривожланмоқда», «Ўзбекистонда тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси», «Ўзбекистон «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида корейлик ишбилармонларга «Хуш келибсиз!» демоқда», «Ўзбекистон қонун ижодкорларини очик, транспарентлик асосида сайламоқда», «Тарихан дўст Корея ва Ўзбекистон бугун амалий ҳамкорликни ривожлантирмоқда» каби қатор материаллар берилган.

«Корея Таймс» газетаси ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига қатор мақолалар бағишлаган. «Ўзбекистон ишонч билан барқарор ривожланмоқда», «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг долзарблиги нимада?», «Ислам Каримов Корея билан икки томонлама алоқаларни ривожлантираётир», «Ислам Каримов портретига чизилар» каби материаллар шулар жумласидандир. Газетада Миллий ассамблеянинг собиқ Спикери Ли Ман Супнинг мақоласи эълон қилинган. Унда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг тарихи чуқур таҳлил қилинади ва 2008 йилдан бу муносабатлар фаол туш олгани қайд этилади. «2006 йилда томонлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаб, ўзаро муносабатларни энг олий босқичга кўтариш даврига ўтди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда алоқаларни, айна пайтда халқаро майдондаги ҳамкорликни муваффақият билан ривожлантирмоқда», деб ёзади Ли Ман Суп.

«Корея Херальд» газетаси ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига алоҳида эътибор қаратди. Газетада Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари-га, Президент Ислам Каримовнинг корейс тилида нашр этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқиро-зи, Ўзбекистон шароитида уни бартароқ этишини йўллари ва чоралари» асарига оид материаллар, шунингдек, «GM-ДЭУ» компанияси президенти Майкл Аркамоннинг мақоласи эълон қилинган. М.Аркамон Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ўзига мамнуният бахш этишини таъкидлаб, Ўзбекистон қисқа муддатда янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирганини қайд этади. «Made in Uzbekistan» белгиси билан чиқарилган автомобиллар кўплаб мамлакатларга муваффақият билан экспорт қилинмоқда, улар ўзининг харидоринг, халқаро талабларга мос ва рақобатбардор эканини аллақачон исботлаб бўлди», деб таъкидлайди муал-лиф.

(ЎзА)

Тиббиёт МУАММОЛАРНИНГ ЯНГИ ЕЧИМЛАРИ

Тошкент тиббиёт академиясида ўтказилган навбатдаги ўқув-услубий анжуман «Олий тиббий таълимнинг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланди. Ушбу йўналиш бўйича умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш жараёнида самарадорликка эришиш билан боғлиқ қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Таълим сифатини ошириш борасида олиб борилаётган изланиш натижаларини умумлаштиришга талабқили мавзуларга ҳам эътибор қаратилди. «Олий ҳамширалик иши йўналиши ўқув дастурларини такомиллаштириш» мавзуси бўйича муҳим фикр-мулоҳазалар кун тартибидеги масалани ижобий ҳал этишда кўл келади.

Анжуманда «Олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашда талабалар иштини ташкил этиш», «Оила ҳамширасини тайёрлашда шахслараро мулоқот кўникмалари», «Замонавий педагогик технологияларнинг илмий асослари» мавзуларидаги давра суҳбатлари ҳам кўпчилида қизиқиш уйғотди.

Бу тадбир ўзаро таъриба алмашиш имконини ҳам берди.

Ақбар АЛИЕВ



Бетакроп рўйхат

ЎН ЙИЛЛИКНИНГ КАШФИЁТЛАРИ

Американинг Discovery телеканали эксклертилари 2000 йилдан 2010 йилгача бўлган давр ораллигидаги ўнта энг буюк кашфиётлар рўйхатини тақдим этишди. Абадий музликларнинг эриб бориш тезлигини аниқлаш усули рўйхатнинг энг юқори сатридан жой олган. Олимларнинг фикрига кўра, музликлар тахмин қилинганидан анча тезроқ эриётган экан. Иккинчи ўринда инсон геномини хариталаштириш ихтироси турибди: олимлар одам геноми харитаси "кораламаси"ни яратишга эришиб, уни 2003 йили ниҳоясига етказишган. Ҳазордаги кашфиёт – Марсда сув борлигининг аниқлиниши учинчи ўринга лойиқ топилган. Этик йул билан олинган дархат танаси ҳужайраси тўртинчи ўринга сазовор бўлди. Мия сигналлари ёрдамида протезларни бошқариш им-

конини берган механизмнинг яратилиши беининчи муҳим кашфиёт сифатида эътироф этилди. Hubble фазовий телескопи ёрдамида "Келгинди" сайёраларнинг топилиши олтинчи ўринга лойиқ кўрилди. Рўйхатнинг еттинчи поғонасидан археологларнинг ҳайратомуз топилмаси жой олди. Мутахассислар инсоннинг янги аждодлари вакилини – Арди скелети (Ardipithecus ramidus)ни аниқлашди. Рўйхатта саккизинчи бўлиб қора материя мавжудлигининг тасдиқлиниши ёзилди. Динозаврнинг юмшоқ тўқималари ўрганилиши тўққизинчи ўринни эгаллади. Куёш тизимида янги фазовий объект (136199 Эрис – Плутондан 27 фоиз каттароқ кичик самовий жисм)нинг кашф этилиши сўнгги – ўнинчи ўринга сазовор бўлди.

Ажиб ҳангомалар

ДОНГ ТАРАТГАН «БАЛИҚЧИ»

Дин-Дин лақабли ит мустақил ўзи овлашни урганганидан кейин бутун Хитойда машҳур бўлиб кетди. Хитойдаги Wuhan Evening Post нашрига ғалати воқеани ит эгаси жаноб Лин айтиб берган. Бир неча кун муқаддам ит қутилмаганда ўн дақиқа мобайнида умумий

оғирлиги 3 килограмм бўлган учта балиқни тутган. Ҳандан бери у сувдан тирик балиқни тутиб, қирғоққа олиб келади. Ит сув юзасидаги пуфакчалар ва кўпикларга қараб балиқларни топади. Эгасининг ҳикоя қилишича, ит илгаридан бўш шишаларга ўхшаш турли нарса-

ларни сувдан олиб келишни хуш кўради. "Мен уни чўмилаётганимда нарсаларимни кўриқлаш учун дўконча олдида қолдириб кетардим, — дея ҳикоя қилади жаноб Лин. — Лекин у кўпинча ўзини тийиб туролмай, мен билан бирга сузиш учун ўзини сувга ташлашга одатланганди".

Спорт юлдузлари ҳаётидан

Энг оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон фотосуратчи билан бўлиб ўтган тўқнашув учун судга тортилмайди, Лос-Анжелес прокуратураси шуни маълум қилган. Воқеа тафсилоти қуйидагича бўлган: ўтган йилнинг 11 ноябрида Тайсон хотини ва ўн ойлик чақалоғи билан самолётга чиқишга кетишганди. Фотомухбир Тони Эчевеяра унга илашиб, кетидан қолмаган. Тайсоннинг айтишича,

сураткаш ҳатто чақалоқ аравачасини туртиб юборишгача бориб етган. Шунда собиқ жаҳон чемпиони Рой Жонсон ўғил устидан нокаут билан ғалаба қозонганидан сўнг австралиялик профессионал боксчи

МАЙК ТАЙСОН ЯНА ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

пиони унга мушт тушириш ва сураткашнинг пешонаси ёрилган. Тайсон 2007 йилда уч йилга шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинганини ҳисобга олсак, юз берган тўқнашув хунук оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Яна бир қизиқарли

воқеа – тўрт вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Рой Жонсон ўғил устидан нокаут билан ғалаба қозонганидан сўнг австралиялик профессионал боксчи Дэнни Грин муваффақиятидан руҳланиб, энди энг оғир вазни афсонавий профессионал боксчи Майк Тайсоннинг рингга қайтариш истағини баён қилган. Тўрт йил муқаддам фаолиятини тўхтатган Тайсон балки бу таклифни қабул қилар...

Газетхон маслаҳат беради...

ЖИГИЛДОН ҚАЙНАГАНДА...

Кейинги пайтларда мени жигилдон қайнаши қийнаб юбораётгани. Шифокорлар ошқозонда кислота меъёрдан ошиб кетганини айтишди. Бир дўстим, жигилдон қайнашига қарши олма сиркаси асал аралаштириб ичганини айтди. Мен ҳам унинг айтганини қила бошладим. Вақт бу давонинг анча самарали эканини кўрсатди. Муолажани амалга ошириш усулини ўртоқлашмоқчиман. Бир стакан илик сувда бир чой қошиқдан олма сиркаси ва асални эритиш керак. Мабодо уйда олма сиркаси бўлмаса, совутичда полин настойкасини сақлаб, шундан фойдаланса ҳам бўлади – бунда 15 томчи настойка кифоя қилади. Эритмадан озроқ ичсангиз, жигилдон қайнаши тақа-тақ қолади.

Холдорбек Жўраев, Учтепа тумани

«БЕГОНА» ЎТ ФОЙДАСИ

Далаҳовлида яшовчилар учун турли ҳашаротлар чақишидан даволаниш йўлини тавсия этмоқчиман. Масалан, мўжизакор қончўп (чистотел) шарбатини чаққан жойлар ва танадаги тошмалар устига сурилса, яхши натижа беради. Эртасига улардан асар ҳам қолмайди. Шунинг учун ҳам сарик гулли бу ўсимликнинг ҳовлинигизда ўсишига қаршилиқ қилманг – уни бегона ўт сифатида юлиб ташланг. Зарурат туғилганда, ўтни нақ илдизига тақаб узиб олсангиз, сарик шарбат сизиб чиқишини кўрасиз. Худди шу шарбат кўпгина тери касалликларига шифо бахш этади.

Фарход Обидов, Чилонзор тумани

Дам олиш соатларида

Психолог ҳузурида

ҲАЁТДАН ЗАВҚЛАНИБ ЯШАНГ


Бироз шамоллаб, пиқиллаб қолдикми, бурундан эркин нафас олишнинг ўзи қанчалар мароқли экани ёдимизга тушади. Биз, инсонлар нега шундай яратилган эканмиз-а: фақат бирор нарсани йўқотганимиздан кейингина, унинг қадри ўтади. Бизни ҳамма нарсага – тилни чуқур ўзлаштириш, ҳисоб-китобни яхши билиш, катталарни ҳурматлаш, бирор касбни эгаллаш, қолаверса, шахмат-шашка ўйинигача ўргатишади-ю, лекин бахтли бўлиш, ҳаётдан завқланиб яшашига келганда...

Фан номзоди, психолог Замира Илҳомова билан суҳбатимиз шу ҳақда. Шунга айтиш керакки, инсонга нималар қувонч келтиришини, стрессдан ҳалос этувчи омилларни, ҳаётнинг мазмунли, беақли ўтиши учун нималарга риоя этиш зарурлигини психологлар яхши билишади. Буюк Британияда бахтли яшаш қоидалари ҳақида китоб чоп этилганидан хабардор бўлиб қолдим. Унинг муаллифи таниқли психолог Ричард Уайзмани илмий ишлари орқали танийман. Китобда бахт тушунчаси, бахтли ҳаёт кечериш омиллари ва қоидалари ҳақида содда ва раво ҳикоя қилинади. Сиз билан биз учун қизиқарли бўлган айрим фикрлар билан оқшомхонларни таништиришни жазм қилдим. **Ҳамиша очик чеҳрали ва самимий бўлинг.** Энг катта қувонччи бизга бошқалар – яъни атрофимиздаги кишилар келтиришади. Уларни сева-мизми ёки шунчаки дўстона

муносабатда бўлашимиз – бунинг аҳамияти йўқ. Қариндош-уруғлар, яқинларимиз, дўст-биродарларимиз, таниш-билишларимиз – ана шу бойлигимизни доимо кўпайтириб, асраб-авайлашимиз керак. Уларга қанчалик самимий муносабатда бўлсангиз, бунга жавобан шунчалик кўпроқ меҳр-ардоқ кўрасиз. **Ўзлингизга қулоқ солиб яшанг.** Яъни кимларгадир тақлид қилиш, ўзингизни яхшироқ кўрсатишга интилманг. Қандай бўлсангиз шундайлигингизча, табиий ҳолатда, ўз виждонингиз ва ички туйғуларингиз буюрганига қараб яшашга одатланг. Эркин-эмиллик, самимийликка нима етсин! Бугунги кунингизга шуқр қилинг, ундан завқланг. Соддароқ қилиб айтганда, шу ерда ва ҳозирги бордингиз билан яшанг. Келажак ҳақидаги хом хаёлларга ёки ўтмишдаги фойдалана олмай қолган имкониятларингиздан афсуснадоматлар чекишга вақтин-

гизни беҳуда сарфламанг. Ҳаётни борича, қандай бўлса – шундайлигича қабул қилинг ва ҳар қандай майда-чуйдалардан ҳам завқ олишига ўрганинг. Вақти келиб, имкониятни бой берганингиздан ачиниб юрмаслик учун яқинларингиз, қадрдонларингизга меҳрингизни улашинг. Омдасизликларни ҳам хотиржам қарши олинг; зеро, улар ўткинчи ва боз устига янги ҳаётни бошлаб юборишингизга яхши туртки бўлиши ҳам мумкин. **Кўпинча тушкун кайфият ҳаётдан завқланишингизга тўсқинлик қилади. Бу тўсқинчи қандай энгиб ўтиш мумкин? Куйида баъзи маслаҳатларни ўртоқлашамиз:** — дўстингизга (дугонангизга) кўнғироқ қилинг. У билан учрашинг ёки собиқ синфдош улфатларингизни тўпланг. Бундай мулоқотлар жуда кучли ижобий эҳтиросларни ҳада қилиш қудратига эга; — хонаки жониворларни бо-

қишга ҳаракат қилинг. Ҳатто тошбақа ҳам сизга қувонч келтириши мумкин. Мушук ёки кучукларку ҳаммининг меҳрини қозона олади. Улар доимо яхши кайфиятда бўлиб, бунга сиз билан баҳам кўришга ҳаммиша тайёр бўлишади; — ойнаи жаҳондаги сиёсий янгиликларни кузатишдан воз кечинг – масъуд беҳабарлик умрингизни узайтиради. Жаҳондаги юзга келаятган вазиятларга ҳаммиша ҳам таъсир эта олмайсиз, шундай экан, ортиқча ташвишларнинг сизга нима кераги бор; — ўзингиз севадиган машғулотиңгиз учун вақт топинг: масалан, чиройли рақсга тушишни, расмлар чизишни ёки мазали бирон таомни ўз кўлларингиз билан тайёрлашни ва ёхуд спортнинг бирон тури билан шуғулланишни орзу қиларсиз. Ана шу орзуингизни рўёбга чиқаришга киришинг, акс ҳолда умр – оқар дарё, ўтган кунларни қайтариб бўлмайди ва орзуингиз ушалмай қолиши мумкин.



Янгиликлар СУПЕРКОМПЬЮТЕР

Хитойлик мутахассислар бир сонияда квадриллиондан ортиқ амалиётни бажара оладиган суперкомпьютерни ишлаб чиқишган. Xinhua агентлиги шу ҳақда хабар беради. Мудофаа технологиялари давлат университетиде яратилган ушбу машина 1,2 петафлопдан юқорироқ тезликда (сониясига квадриллион амалиётни бажарувчи тезликда) ишлаш қобилиятига эга. "Тяньхэ-1" номини олган янги суперкомпьютер Хитойга ҳаракат тезлиги сониясига 1 петафлопдан ортиқ компьютерни яратган АҚШдан кейинги иккинчи мамлакат сифатида эътироф этилиши таъминлади. Суперкомпьютерлар энг аввало квантлик ёки механик физика соҳасида, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш, иқлимни тадқиқ этишда, физик моделлаштиришда интенсификация ҳисоблаш вазифаларини ечишда ишлатилади. Улардан шунингдек ҳарбий масалаларни ечишда ҳам аънавий тарзда фойдаланилади.

Ҳаётини ҳикоятлар

ИККИ ДЎСТ

Бир куни улар жанжаллашиб қолишди ва уларнинг бири иккинчисига шапалоқ туширди. Калтак егани оғриқдан ранжисада, ҳеч нарса демай, қумга қуйидагиларни ёзди: — Бугун менинг энг яқин дўстим менга шапалоқ туширди. Улар йўлда давом этиб, дарёнинг чўмилиб олса бўладиган саёзроқ жойини топишди. Шапалоқ еган йигит сувга чўкиб кетаётганида дўсти уни қутқариб қолди. У ўзига келган, тошга қуйидагиларни ёзиб қўйди: "Бугун менинг энг яқин дўстим ҳаётимни сақлаб қолди". Шапалоқ туширган ва дўстининг ҳаётини сақлаб қолган йигит сўради: — Мен сени хафа қилганимда, фикрингни қумга ёздинг, энди эса, тошга ёздинг. Нега? Дўсти жавоб берди: — Бизни кимдир хафа қилганида, шамоллар ўчириб кетиши учун уни қумга ёзишимиз керак. Лекин бизга кимдир қандайдир яхшилик қилса, уни тошга ўйиб ёзишимиз лозим – токи уни ҳеч қандай шамол ёки бўрон ўчириб кета олмасин.


ЭЗГУЛИК ҲАҚИДА

Қадим замонларда бир ҳинду қария набирасига ҳаёт ҳақиқатини баён қилган экан. Ҳар бир одам ботинида худди икки бўрининг бир-бири билан олишувига ўхшаш кураш кетади. Бир бўри ёвузлик – ҳасад, рашк, надомат, худбинлик, нафс балоси, ёлгоннинг рамзи бўлса, иккинчи бўри эзгулик – меҳр-муҳаббат, тинч-тотувлик, умид, ҳақиқат, хайру саховат, садоқат рамзидир. Болакай бобосининг сўзларидан чуқур ўйга толди ва бир неча дақиқадан сўнг сўради: "Уларнинг қай бири голиб келади?" Қария ҳинду билинар-билинамас қулим-сираркан, жавоб қилди: — Сен боқадиган бўри ҳаммиша голиб келади.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

Хотин хонага кириб, эрига дейди: — Ахлат тўпланиб кетибди, шуни ташлаб келсангиз-чи... — Эндигина ўтирдим-ку, — жавоб қилади эри. — Ўзи нима қилаётгандингиз? — Ётгандим! — Қани, Адҳамжон, айтчи бугун сен қанақанги савобли иш қилдинг? — Дадамни ишга кузатаётиб, поезднинг кетидан югураётган бир амакини кўриб қолдим. Бўрибосар итимни унинг кетидан қўйиб юборгандим, амаки поездага етиб олди. Аёл дугонасига эридан шикоят қилади: — Улар бўлсам ўлиб бўлдим – эрим ҳар куни ичиб маст бўлиб келади. Ҳозир ҳам пивохонда ўтирибди. — Меннинг эримдан ўрнак олса бўларкан: у аллақачондан бери уйда. Уни судраб олиб келиб ташлаб кетишди. — Хотиним, ҳамма эркаклар аҳмоқ бўлади, дейди. — Бекорларни айтибди – мана мен буйдоқман... Ота телевизор кўриб ўтирибди. Тўсатдан жон ҳолатда бақириб, хотини югуриб кириб, жавонга ўзини уради. Ота тараддуда қолган қизига мурожаат қилади: — Нима бўлди? — Билмадим. Мен митти қалақчалардан қилган гербарийимни кўрсатувдим. Ойим уларни қаердан олганимни сўради. Мен уни ойимнинг пўстини осиб қўйилган жаҳондан йиғганимни айтдим – бунақа қалақчалар у ерда

тўлиб ётибди... — Кечирасиз, соғ ташингизни суғуриб олиб қўйибман. Энди оғриқли ташингизни олишга тўғри келади. — Майли-майли, хайриятки кўз доктори эмассиз! Икки дўст ўзаро суҳбатлашади: —Ҳамма аҳмоқ-тентакларни тўплаб, фазовий кемага ўтказиб, бошқа галактикага жўнатиб юборишларини хоҳлаган бўлармидинг? — Йўқ. — Мен эса – истаган бўлардим. — Сени учуриб юборишса, унда мен ким билан дўстлашаман?! — Мен ўзим ҳақимда бутун дунё гапирадиган кино юлдузи бўлишни истардим... — Сенинг ҳақингда бутун маҳалла гапирётгани камми? — Хор жамоамизга ишга киринг, — дея ташвиқот қиларди хормейстер ўз дўстларидан бирига. Сизга ёқиб қолишига аминман. Биз жума кунлари йиғилиб, аввал бир-икки стакандан отиб оламиз, кейин латифалар айтишамиз, карта ўйнаймиз, сўнг рақсга тушамиз. — Жуда зўрку! Ашула ҳам айтишга улгурасизми? — Бўлмасамчи! Албатта, уй-уйимизга кетаётганда кўшиқ айтишиб кетамиз... Эр-хотин кўчада кетишяпти. Қандайдир бир яхши кийинган, олифта йигит тавозе билан уларга салом беради. Эр: — Жуда маданиятли, мулоийм йигит эканми? — Ҳечамда, унинг айиқдай хурак отишини билмайсиз-да!



Кумуш қишнинг завқи ўзгача
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЛИЦЕЙДА ФОЛЬКЛОР БАЙРАМИ

Жорий йил Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Бундан кўриниб турибдики, Юртбошимиз биз, ёш авлодга алоҳида эътибор, умид, масъулият билан қарабгина қолмай, камолотимиз учун барча керакли шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бунинг боиси келажак — ёш авлод қўлидадир.

Лицейимизда ўғил-қизларга чуқур ва мустаҳкам билим берилиб, маънавий тарбияси ҳам алоҳида эътиборда. Турли соҳалар бўйича кўплаб кизиқарли тадбирлар уюштирилади. Бу эса ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, маънавиятини юксалтиради. Кун кеча лицейимизда она тили ва адабиёт ўқитувчилари Наргиза Мирабдуллаева ва Раъно Нурматова раҳбарлигида «Фольклор байрами» ўтказилди. Мазкур тадбирда халқимизнинг урф-одатлари, миллий куй-қўшиқлари, ўйин-

лари, байрамлари намойиш этилди. Унда 1-гурух ўқувчилари ҳам фаол иштирок этиб, ўз чиқишлари билан йиғилганларни мамнун этди. Лицей директори Тошнўз Аҳмедов бундай тадбирлар кўпроқ ўтказилиши лозимлигини айтиб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, таълим масканимизда ёш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун барча шароитлар етарлидир. Ўқув хоналаримиз замонавий компьютерлар билан таъминланган, дарсларда устозлар

турли замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланадилар Биз мультимедия усулбидида дарсларни кузатамиз, лингафонларда нутқ маҳоратини ўстираемиз, бундан ташқари эса турли-туман китобларга бой ахборот-ресурс марказида самарали ўтказамиз. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, устозларимизга муносиб ворислар бўлиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Анора ЮЛДАШЕВА,
Тошкент Молия институти
қошидаги академик
лицей ўқувчиси

Қарор ва ижро

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Тошкент шаҳри ҳамда вилояти аҳолисининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ички истеъмол эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, истеъмол молларини ишлаб чиқариш салмоғини кўпайтириш вазифалари режалаштирилган.

Бунда вилоятдаги халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ўртасида савдо-сотик муносабатларини ривожлантириш ҳисобига ҳудудий корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига сифатли маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиш ҳамда асосий турдаги истеъмол маҳсулотлари бозор нархларининг кескин суръатларда ошишига чек қўйиш белгиланган.

Шу муносабат билан 2010 йил 16 февраль кун Тошкент вилояти Уртаочуқ туманидаги Қумовул ҚФЙ ҳудудида жойлашган вилоят Маданият, маънавият ва маърифат маркази биносидан вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан истеъмол маҳсулотларини (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқ-

ат) ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари иштирокида Истеъмол маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтади.

Ҳудудларо саноат кооперацияси ва савдо-сотик муносабатларини ривожлантириш учун ушбу ярмаркага Тошкент вилояти ва шаҳрида фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотлари билан ҳамда чакана савдо ва улгуржи корхоналари иштирок этиш учун таклиф этилади.

Мазкур ярмаркада ўз маҳсулотлари билан иштирок этиш истаги бўлган ишлаб чиқарувчи кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ва хусусий тадбиркорлар учун талаб этилаётган жой (майдон) бепул ажратилиши белгиланган.

Мурожаат учун
телефонлар: 236-02-82,
263-15-51



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ҚОНУНИ БОСИТИЙ

ФАСЛЛАР ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Билмоқ керакки, зарурий ишлар жумласидан бири йилнинг ҳар бир фаслига мувофиқ ва муносиб алоҳида тадбир қилишдир. Учинчи маколанинг иккинчи фаслида олти зарур нарсалар баёнида ҳақимлар ва табиблар назаридаги фасллар ва уларнинг миқдорлари муфассал баён қилинган эди. Бинобарин, бу жойда ҳар бир фаслга муносиб тадбирларга тааллуқли бўлган нарсалар баён қилинади. Бу эрдаги фасллардан мурод табиблар назарида муътабар бўлган фасллардир.

Баҳор фаслининг тадбирлари

Баҳор фаслида қон олдириш ва сурғи қилиш тадбирларига киришиш соғлиқни сақлашга муҳтож бўлган кишига лозим ва айни фурсатки, қони кўпайган ва бошқа хиллар эриб, пишиб етилган замондир. Баҳорда бадани қизитадиган ва ҳўлликни зиёда қиладиган нарсалардан парҳез қилинади.

Фойда

Билмоқ керакки, баҳор фаслининг табиатидаги латиф ҳарорати билан қиш фаслидаги совуқнинг таъсиридан қотиб қуялган моддалар эриб оқа бошлайди. Эриб қизгани сабабли ҳажмлар кўпайиб, ўз жойларига сиймай, атрофга тошиб, тажовуз қилади ва ҳар бир хилнинг белгилари зоҳир бўлади. Шунинг учун баҳор фаслида баҳор мизожига мувофиқ иссиқ кайфиятга эга бўлган касалликлар пайдо бўлади.

Бинобарин, соғлиқни сақлаш учун табиблар баҳор фаслида танқия (тозаланиш)ни буғоранлар, шунда хилларнинг кўпиришидан юз бериши мумкин бўлган касалликларнинг зараридан омонлик ҳосил бўлади. Ва танқиянинг аксарият мизожларга мувофиқроқ ва осонроғи, албатта, қон олдириш ва сурғи қилишдир. Шунга асосан, Ҳаким Муҳаммад ибн ал-Маҳмуд Чағминий «Қонунча» китобида танқия учун қон олдириш ва сурғи қилишни баён қилиб, бошқа хил танқиялар ҳақида гапирмаганлар, йўқса булардан бошқа хил танқиялар ҳам кўп.

Хусусан, баҳор фаслида, башарти мумкин ва осон бўлса, бошқа тўсиқлар бўлмаса, ҳаммадан яхшироқ танқия қушишдир. Чунки қиш фаслида меъда ва унинг атрофига балғам кўпроқ йиғилади. Баҳорда мазкур балғам эриб, ҳаракатга киради. Аёндики, меъда ва унинг атрофиди балғамларни чиқариш учун ҳеч бир тадбир қушишдан яхшироқ эмас. Агар қушиш меъдага ва бошқа аъзоларга таъсир қилмасин деб ҳаф қилинса, одамнинг одати муҳим ишлардан эканини ҳисобга олиб, ҳар кимнинг одат қилган йўли қандай бўлса, шу йўл билан танқияни амалга ошириш лозим.

Гоҳида шундай ҳам бўладики, одамда қон голиб бўлади. Ҳамда бошқа бир хил ҳам голиб бўлади. Бундай ҳолда ҳар иккисининг ҳам танқияни лозим бўлади, фақат голиб хилта муносиб ва мос танқияни амалга ошириш керак. Шунинг билан бирга, шундай ҳол ҳам бўладики, бир одам қон олдиришга одат қилган бўлади, аммо сурғига одат қилмаган бўладики, энди унда қондан бошқа хилнинг ғалабаси юз бергандир. Демак, бундай одамга одатга риоя қилиб, қон олдириш фойда бўлади. Одатнинг натижаси билан сургини тақозо қилувчи хил ҳам қон орқали йўқ бўлиб, сургидан қўйилади.

Ва аксинча, қон ғалаба қилган одам агар сурғига одат қилган бўлиб, одатига биноян сурғи қилса, сурғи фойда қилиб, қон олдиришдан қутулади. Лекин қон олдиришга одат қилган кишининг олдириш қони сурғига бадал бўлиши кўпроқ кузатилади. Аммо, лойиқроғи қон олдиришдир. Чунки қайси хилта голиб бўлса уни қон чиқариб ташлайди. Шунинг учун қон олдиришни табиблар умумий бўшаниш (истифроғи қулий) дейдилар, яъни хилта учун умумий танқия деб ҳисоблайдилар.

Фойда

Одатга риоя қилишдан мурод одат бўлмаган нарсага ҳожат бўлса ҳам ҳеч қачон уни қилмаслик керак дегани эмас, балки одат қилинган нарса билан мақсад ҳосил бўлса одат қилинмаган нарса қилмасин, дейиш муродидир. Йўқса, зарурат вақтида лойиқ бўлган нарсалардан ҳеч бири ман қилинмайди.

Яна билмоқ керакки, баҳор фаслида бадани қизитадиган ва суоқликни кўпайтирадиган нарсалардан парҳез қилиш керак. Шунда баҳор фаслининг табиатига ёрдам бериб, унинг таъсири ҳаддан ортқ бўлмалигига сабаб бўлади. Чунки баҳор фаслининг табиати бадани қизитади ва ҳўлликни зиёда қилади. Шак йўқки, қайси нарса қизитса ҳаракат ва ҳаяжон пайдо қилади. Ҳар бир нарса ҳўллик пайдо қилса моддани зиёда қилади. Демак, шундай нарсалар баҳорнинг табиатига ёрдам қилиб, муътадилликдан ортқча модда ҳосил қилиши, моддани ҳаддан ортқ кўзгойтиши бу фасл учун муносиб эмас. Шунинг учундики, табиблар баҳор фаслида гўштни кўп ейишдан ва ҳаммомга кўп тушишдан эҳтиёт бўлишни зарур деб билганларки, буларнинг ҳаммаси баданда ҳарорат ва рутубатни зиёда қилади. Моддани кўзгойтиб, ғалаёнга киргизади. Баҳор вақтида латиф овқатлар истеъмол қилиш барча тадбирлардан фойдалироқ тадбирдир.

(Давоми бор)
Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

Беруний номидаги Тошкент политехника институтини томонидан 1990 йил 13 январда Шаҳодаева Азиза Латифовна номига берилган 1963 ТИ рўйхат рақамли ПВ №855536-сонли имтиёзли дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида чет эллик етук мутахассис шифокорлар билан бой тажрибалар алмашиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Анжуманлар

БОЙ ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИНДИ

Куни кеча республикаимиз ҳамда шаҳримиздаги кардиология марказлари мутахассислари ҳамда польшалик кардиолог профессор Войцех Вояковский иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда польшалик олим «Дори қопламали стентларни имплантация қилишдаги янги концепциялар» мавзусида маъруза қилди ва ўз мамлакатидида кардиология соҳасининг ривож, жумладан, юрак касалликлари, юрак хуружи хасталигини вақтида даволаш йўллари хусусида бой тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, семинарда шаҳримиздаги клиникаларда фаолият юритаётган кардиолог шифокорлар ҳам сўзга чиқиб, юрак хас-

таликларини даволаш чора-тадбирлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш мақсадида В.Вояковский «BALTON» фирмаси ҳомийлиги ва моддий кўмағи асосида шаҳримиздаги Республика ихтисослашган хирургия маркази, Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Ички ишлар вазирлигининг госпиталида юрак хасталиги билан оғриган беш нафар беморларга бепул шохилинч ёрдам кўрсатиб, ноънъанавий усулда, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида муолажа ўтказди.

(Ўз мухбиримиз)

Тадбирлар

ИНСОН ҚАЛБИ МЕЪМОРИ

Шу кунларда юртимизнинг барча илм даргоҳларида, мактабгача таълим муассасаларини олий ўқув юртларида газал мулкнинг султони Алишер Навоий ва унинг замондоши мутафаккир шоир Заҳириддин Бобур таваллуд кунларига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири кун кеча «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди. «Инсон қалби меъмори» деб номланган мусиқий адабий кеча Ўзбекистон Миллий университетини, Ўзбекистон Давлат санъат институти, Тошкент маданият коллежи, Глиэр номидаги мусиқага ихтисослашган лицей, Собир Раҳимов сервис хизмати коллежи, 29-мактаб ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кеча меҳмонлари Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари томонидан икки буюк алломага бағишлаб ижро этилган саҳна кўринишлари йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбар ўринбосари — Сулономурод Олимнинг «Алишер Навоий мероси — баркамоллик фалсафаси» мавзусидаги маърузаси устоз ва талабалар ўртасида Навоий ижоди ҳақидаги савол-жавобларга айланиб кетди.

— Жаҳон адабиётига катта ҳисса қўшган Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ижодларига бағишлаб ўтказиладиган ҳар йилги тадбирларда, — дейди Ўзбек филологияси факультети 3-босқич талабаси Шоира Жумаева, — янги маълумотлар, бир-бирига ўшамайдиغان фикрларни эши-таман. Уларнинг бой адабий мероси битмас-туганмасдир. Уни ўрганиш учун инсонга берилган биргина умр камлик қилади, менимча.

Тадбир давомида талаба-ёшлар ижросида алломалар ижодида бағишланган куй ва қўшиқлар янгради.

«Инсон қалби меъмори» мавзусида ўтказилган мазкур тадбир ёш авлод қалбига миллий адабий меросимизга бўлган қизиқини яна ҳам ошириш ва йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

ЗЕБУНОСА НАЗИРОВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

Мухлисларнинг ёдида бўлса, 1994 йилда Норвегияда уюштирилган қишқи Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Лина Черязова фристайл баҳсларида зафар кучиб, олтин медаль эгасига айланган эди.

Ҳамюртимизнинг ушбу муваффақиятини гарчи кейинги қишқи Олимпиада ўйинларида бошқа спортчиларимиз такоррай олмаган бўлсаларда, доимо кучли ўнликдан ўрин эгаллаб қолишмоқда.

12 февралдан 28 февралга қадар Канадада ташкил-лаштирилган навбатдаги XXI қишқи Олимпиада ўйинларида ҳам мамлакатимиз шарафини тоғ чангиси мусобақаларида Ксения Григорьева, Олег Шамаев, муз устида нафис учиб баҳсларида Анастасия Гимазетдиновалар ҳимоя қилишди. Жаҳоннинг 80 дан ортқ мамлакатидан ташриф буорадиган 500 нафар спортчи голиблик учун кураш олиб борадиган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Жорий йили футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионатида жиддий ҳозирлик кўриляптир. Мёдр Градолович бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоаси айни кунларда Германияда ўқув-ийгин машғулотида иштирок этмоқда.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Кунига икки маҳалдан машғулотларда қатнашаётган пахтакорчилар кун кеча Россиянинг «Терек» командаси билан назорат ўртоқлик учрашувидида куч синишди. Шиддатли курашларга бой, мурасасиз кечган беллашув 2:2 ҳисобидида жанговар дуранг билан якунланди.

ПОЛЬШАЛИКЛАР ШАЦКИХГА ҚИЗИҚИШМОҚДА

Киевнинг «Динамо» жамоасида 10 йил тўп сурган моҳир футболчи, Ўзбекистон миллий терма жамоаси шарафини кўп марта ҳимоя қилган шарм тўп устаси Максим Шацких фаунасини Польшада давом эттириши мумкин.

Гап шундаки, ўтган мавсумдан Козогистоннинг «Локомотив» жамоасига қабул қилинган Максим Шацкихга Польшанинг «Висла» клуби мураббийлари қизиқиш билан қарашмоқда. Агар Шацких ва польшалик футбол мутахассислари ўртасида ўтаётган музокаралар муваффақиятли якунланса Шацких янги мавсумни

«Висла» клуби таркибиди бошлайди.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан дунё клубларининг январь ойидаги рейтинг рўйхати натижалари эълон қилинди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Январь ойида халқаро турнирлар уюштирилмаганлиги боис, жадвалда сезиларли ўзгариш рўй бермади. Ўтган йилнинг декабрида 95, 97-ўринларга кўтарилиб олган «Бунёдор» ва «Пахтакор» жамоалари ўз ўринларини сақлаб қолишди. Фақат Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси янги рўйхатда 199-ўриндан 210-ўринга тушиб кетди.

(Ўз мухбиримиз)

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4203 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.